



VATANDOSHLAR

Ижтимоий-оммабоп газета

№ 4, 2025 йил, сентябрь

vatandoshlar.uz

[vatandoshlar_fond](https://t.me/vatandoshlar_fond)

[vatandoshlar_fondi](https://www.instagram.com/vatandoshlar_fondi)

[vatandoshlarfondi](https://www.facebook.com/vatandoshlarfondi)

[@Vatandoshlar](https://www.youtube.com/@Vatandoshlar)

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ УЧУН УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

*Ернинг ҳар бурчида одамлар гоҳо
Менга ўз тилимда сўйлар, гумон йўқ:
Ўзбек кўп бутун Ер юзида, аммо
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!*

Ҳа, бугунги кунда дунёнинг ҳар бурчагидан ўзбекларни топиш мумкин, аммо уларнинг қалблари тўрида яшаб, бир умр ўзига жалб этиб турган гўша, шоир таъкидлаганидек, битта, у ҳам бўлса жаннатмакон Ўзбекистон! Глобллашув даврида хорижда яшаб, келажак авлодга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб, Навоийлар наво қилган бу бежириб тилнинг гўзалликларини тараннум этиб келатган фидойилар борки, уларнинг хизматларини эътироф этишдан бошқа чорамиз йўқ!

▼ [Davomi 3-betda](#)



КОРЕЯДА ВАТАН НАФАСИ

2025 йил 13–20 сентябрь кунлари Корея Республикасида Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирлар ҳафталиги юртдан олисдаги минглаб ватандошлар қалбида Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлади.

Бир ҳафта давомида Кореянинг бешдан ортиқ гўшалари – Сеул, Пусан, Тэгу, Кёнсан, Асан ва Чонан шаҳарларида миллий маданият, маънавият, ёшлар тафаккури ва юртдошлар ўртасидаги бирлик руҳи тантана қилди. Ҳар бир масканда концертлар, форумлар, учрашувлар, миллий анъаналарни намоён этувчи бурчаклар ва дўстона мулоқотларга бой маросимлар ўтказилди.

▼ [Davomi 4-betda](#)

ТЎРТ БУЮК ДАВЛАТ БИР “ЧИНОР” ОСТИДА



Киши эсини танибдики, ўзлигини излайди, кимнинг авлоди эканини чуқурроқ билишга ошиқади. Инсон ўз илдизига назар солар экан, унда ўзини кўргандек бўлади, ич-ичидан фахр туйғусини ҳам туяди. Бироқ олам кенг, илдизлар эса дунё бўйлаб кенг ёйилган. Уларни асл ўзагига олиб келиш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Бундай хайрли амалга қўл уриш учун инсон аввало одам деган шарафли номга лойиқ, етарлича маърифат касб қилган бўлиши лозим. Мамлакатимиз раҳбари фаолиятга киришган илк йиллариданоқ хориждаги ватандошлар ҳақида ўйлаб, уларни тарихий ватани билан боғлаш йўлида қатор ишларни амалга ошириши, улуғ ишларга рағбат қилиши таҳсинга лойиқ, шу билан бирга улуғ зотнинг улуғ маърифатидан ҳам далолатдир дейиш мумкин. Шундай хайрли ташаббуслардан бири, албатта, “Ватандошлар” жамоат фонднинг ташкил этилиши бўлган эди.

▼ [Davomi 2-betda](#)

МУСТАҚИЛЛИК – МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Ҳар бир халқ тарихида шундай буюк сана борки, у миллатнинг ўзлигини, шаънини ва ор-номусини ифодалайди. Ўзбекистон халқи учун ҳам бу улуғ кун Ватанамиз Мустақиллик байрамидир.

1991 йил 1 сентябрь куни мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилди. Бу воқеа халқимизнинг асрлар давомида орзу қилган озод ва эркин ҳаёт сари ташланган тарихий қадам бўлди.

Бу улуғ санани тантанали тарзда дунё бўйлаб нишонлаш “Ватандошлар” жамоат фонди учун ҳам чин маънодаги шарафдир дейиш мумкин. Жумладан, Фонд ташаббуси билан АҚШ, Корея, Қатар, Россия, Озарбайжон,



Туркия ва бошқа мамлакатларда тантанали тарзда ўтказилган байрам тадбирларини фахр билан айтиш мумкин.

Бу каби байрамлар ватандошлар аро юртга муҳаббат, элша ҳурмат, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини янада кучайтириб, бу улуғ байрам шарафи билан бутун дунёдаги ўзбеклар кўкси ифтихор туйғулари билан тўлишини айтмоқчимиз!

Улуғ айём барчага муборак бўлишини, “Ватандошлар” жамоат фонди эса бу улуғ ташаббус йўлида бардавом эканини таъкидлаб ўтамыз!

Улуғ айём муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Абдурауф Зокиров



Boshi 1-betda

Мамлакатимиз раҳбари фаолиятга киришган илк йиллариданоқ хоризждаги ватандошлар ҳақида ўйлаб, уларни тарихий ватани билан боғлаш йўлида қатор ишларни амалга ошириши, улуғ ишларга рағбат қилиши таҳсинга лойиқ, шу билан бирга улуғ зотнинг улуғ маърифатидан ҳам далолатдир дейиш мумкин. Шундай хайрли ташаббуслардан бири, албатта, “Ватандошлар” жамоат фондининг ташкил



Ушбу Фонд кўплаб хайрли ишлар қатори бу йил ҳам улуғ бир ишга иккинчи бор қўл уриб турибди. У ҳам бўлса “Чинор” лойиҳасини ташкил этилиши. Мазкур лойиҳасининг иккинчи мавсуми турли давлатлардан ташриф буюрган 57 нафар иштирокчининг юрт, тарих ва қадриятлар билан руҳий боғланишига замин яратди. Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби мамлакатлардан келган ватандош нурунийлар Ўзбекистоннинг энг эътиборли илмий-маърифий, маданий ва тарихий масканлари билан яқиндан танишдилар. Лойиҳанинг дастлабки кунларидан то якуний босқичигача бўлган жараён ҳар бир иштирокчида унутилмас таассуротлар қолдирди.

Пойтахтимизда меҳмонлар учун барча шароитлар яратилди. Иштирокчилар малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, дастурга мувофиқ Тошкент шаҳрининг тарихий ва маданий мероси билан танишдилар. Ташрифнинг илк кuni “Фотография уйи” кўргазмасига бориш билан бошланди. Бу маскан – нафақат сураткашлик санъатининг тимсоли, балки тарихни акс эттирувчи хотиралар масканидек иштирокчиларга илиқ таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қадамранжида қилиш, нуруний ватандошлар қалбида адабиётга бўлган меҳрни кучайтирди. Уюшма вакиллари билан самимий суҳбатлар, ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳикоялар, муқаддас сўзга бўлган эҳтиром руҳий бир улуғликни ҳис эттирди.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодларига бағишланган Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳам иштирокчилар онгида тарихий хотираларни муҳирлади. Нурунийлар Темурийлар даврининг илм-фан, маданият, давлат бошқаруви

соҳаларидаги ютуқлари билан яқиндан танишиб, халқимизнинг улуғ меросини чуқурроқ англаб етдилар.

Ўзбек адабиётининг буюк намояндаси, жадидчилик ҳаракатининг пешқадамларидан бири – Абдулла Қодирийнинг ҳаётий йўли, асарлари, маънавий изтироблари акс этган адиб номи билан боғлиқ уй-музей иштирокчиларни чуқур тафаккур сари етаклади.

Замонавий технологиялар ёрдамида яратилган Жадидлар. Туркистонга мактублар кўргазмаси ҳам иштирокчилар шуурига жадидларнинг орзулари, оташин мактублари, таҳсинга сазавор курашлари ва фожеали тақдирлари ҳақида таассуротлар улашди. Ҳар бир сурат, ҳар бир овоз, ҳар бир ҳужжат юракларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилган аجدодлар хотирасига бағишланган Ғалаба боғи ва Шон-шараф музейи – жасорат мактаби ўлароқ қалбларга чуқур из қолдирди, дейиш мумкин. У бугунги авлодни ўз тарихига, миллий ғурурга содиқ қолишга даъват этиб туради. Музейдаги экспонатлар, фронтдан ёзилган мактублар, аскар кундаликлари – барча-барчаси ўтмишга ҳурмат, келажакка масъулият руҳини уйғотди.

Ўз халқининг уйғониши йўлида ҳаётини қурбон қилган миллат қаҳрамонларига бағишланган “Миллат фидойилари” монументи ҳам садоқат ва фидойилик рамзи сифатида қалбларга муҳрланган. Иштирокчиларга бу ташриф маҳзунлик, сабр ва ватанпарварлик

туйғуларини уйғотди.

Дастур давомида иштирокчилар Хоразм вилоятига ҳам сафар қилишди. Бу қадим диёр – халқимизнинг илм-фан, санъат ва маънавиятдаги беқиёс ютуқларини мужассам этган замин сифатида қалбларни ўзига ром этди.

Ўзбек санъатининг афсонавий намояндаси, Хоразм мақомининг оташин булбули Комилжон Отаниёзовнинг ҳаёт йўли, ижоди ва садоқатига бағишланган ҳофиз номидаги уй-музей иштирокчиларни сеҳирли оламга етаклагандек бўлди, дейиш мумкин.

Ўзбек фотографияси асосчиси Худойберган Девоновнинг ишлари, камералари, тарихий суратлари билан танишган иштирокчилар Хоразмнинг XIX-XX асрлардаги ҳаётини кўз олдларидан ўтказдилар. Суратдаги сокинлик, самимият, иймон ва оддийлик қалбларга чуқур сингиб борди.

Бутунжаҳон мероси рўйхатига аллақачон киритилган Ичан Қалъа меҳмонларга ўз тарихий сукунати билан илҳом бахш этди. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Муҳаммад Аминхон ва Муҳаммад Раҳимхон мадрасалари, Калта Минор ва бошқа қадамжолар ўзбек миллий меъморчилиги ва ислимий илмларнинг юксак намунаси сифатида қалбларни забт этди.

“Чинор” лойиҳаси – бу оддий экскурсия ёки саёҳат эмас. Бу кишининг ўз илдизини эслаш, ўз руҳий манбаини англаш, тарихи билан юзма-юз келиш лойиҳасидир. Ҳар бир ташриф, ҳар бир сўз иштирокчилар қалбига “Мен кимман?” деган саволни берган бўлса не ажаб.

Уфора Ҳабибуллаева



ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ УЧУН УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

◀ Boshi 1-betda

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилганда ҳам, албатта, жуда катта хайрлар кўзланган, ватандошларимиз қаерда яшашларидан қатъи назар, давлатимиз эътиборида эканлари, улар доим қўллаб-қувватланишлари мақсад қилинган, десак ҳақиқат бўлади.

Шундай хайрли ишлардан бири “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан ташкил этилган хорижий мамлакатларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиб келаётган ўқитувчилар учун амалга оширилган малака ошириш курсидир.

Малака ошириш курси давомида ўқитувчилар 72 соатлик махсус ўқув дастурини тамомладилар. Бу дарслар профессор-ўқитувчилар томонидан юқори методик савияда олиб борилди. Машғулотлар замонавий педагогик ёндашувлар, тил ўргатиш методикаси, адабиёт таҳлили, инновацион ўқув технологиялари ва маданий контекстда тил ўргатиш мавзуларини қамраб олди. Иштирокчилар ўзаро тажриба алмашиб, ўзбек тилининг хорижда ўқитилиши юзасидан долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Дарсларбиланбирқаторда, қатнашчиларнинг билим ва тафаккур салоҳиятини намоиш этиш мақсадида заковат ўйини ҳам ўтказилди. Қизгин муҳитда ўтган беллашувда иштирокчилар тил, адабиёт, тарих ва маданият соҳаларига оид саволларга жавоб беришди. Бу эса уларнинг билимларини мустаҳкамлаш, жамоавийлик ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Курс якунида иштирокчилар Тошкент шаҳридаги диққатга сазовор жойларига ташриф буюришди:

Ўзбек романчилиги асосчиси, Ўткан кунлардек нодир асар муаллифи, улуғ ёзувчи Қодирийнинг яшаб ижод қилган уйига ташриф қилган устозлар бир дунё ҳаяжон билан улуғ ёзувчининг товони теккан тупроққа қадам қўйдилар. Яқин тарихни эслаб кўзлар ёшга тўлган бўлса, юртнинг бугунини кўриб мужгонларга севинч томчилари зоҳир бўлди.

Юртимиздаги энг йирик маърифат маркази, ноёб китоблар ва электрон ахборот майдони бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан яқиндан танишиш орқали ўқитувчилар илм-фан ва таълим соҳасида замонавий имкониятлар ҳақида

тўлиқ тасаввурга эга бўлишди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташриф буюрган муаллимлар учун машҳур ёзувчи-шоирлар билан ижодий учрашув ўтказилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо ва Салим Ашурлар билан самимий суҳбатлар ташкил этилди. Ўзбек адабиётининг бугунги ҳолати, ёш ижодкорлар фаолияти ва миллий адабий мерос ҳақида фикр алмашилди.

Темурийлар тарихи Давлат музейи, “Янги Ўзбекистон” боғи бўйлаб уюштирилган саёҳат ҳам иштирокчиларга олам-олам таассуротлар бахш этди.

Маданий-маърифий саёҳат дастури

маълумотларни олдик. Ишонаманки, бу билимларимизни ўз ўқувчиларимизга етказиб, ўзбек тили ва адабиёти қандай нафосатга эга эканини уларнинг онгига муҳрлаймиз!”

Тожикистон Республикасидан ташриф буюрган ўқитувчи Махмарахимов Муҳаммади ҳам ўз дил изҳорларини қуйидагича баён қилди:

“Ҳамкасбим нақадар ҳақ гапларни айтди. Яна шуни қўшимча қиламанки, бундан бир неча йиллар бурун Ўзбекистонга келиш учун ойлаб ҳаракат қилар эдик, бугунга келиб эса, бизларнинг сарф-харажатларимизни қоплаган ҳолда Ўзбекистон ўз бағрига чорламоқда. Шу билан бирга, бизлар учун дарслар ташкил

*Илм нажот манбаи, у билангина
чинакам саодатга эришилади*

Самарқанд шаҳри бўйлаб давом эттирилди. Ислон меъморчилиги санъатининг нодир намуналаридан бири бўлган Шоҳи Зинда мажмуаси ўқитувчиларни гўё тарих майдонига чорлагандек бўлди. Қабр тошлари, гумбазлар ва безакларнинг бетакрорлиги диққатлар марказидан четда қолмади.

Машҳур астроном Мирзо Улуғбек қурдирган, тилларда дoston бўлишга улгурган Улуғбек расадхонасини сайр қилган иштирокчилар ўзбек илм-фанининг тарихий илдизлари билан танишишди.

Бибихоним мақбараси, Регистон майдони, Ислон Каримов мақбараси, Ҳазрати Хизр мажмуасига бўлган саёҳат ҳам иштирокчиларни таассуротлар оламига чорлади, дейиш мумкин.

Дастурнинг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан иштирокчилар ўз дил изҳорлари билан бўлишдилар, жумладан, Қозоғистон Республикасидан ташриф буюрган ўзбек тили ва адабиёти фани услубчиси Курбантаев Улуғбек шундай деди:

“Гарчи Ўзбекистондан ташқарида яшасак-да, бизга ғамхўрлик қилиб, маънавий ватанимиз билан боғланиб турганимиз учун ҳукумат раҳбарига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз! Биз 72 соатлик дарс давомида йилларда ҳам ўзлаштириш қийин бўлган

этиб, малакамизни ҳам оширишмоқда. Бунинг учун қанча ташаккур айтсак ҳам оз!”

Қирғиз Республикасидан ташриф буюрган ватандошимиз Бозорбоева Маъмурахон ҳам дил изҳорларини яшира олмай, шундай деди:

“Ватандошлар” жамоат фонди томонидан ташкил этилган малака ошириш курси лойиҳаси эълонини кўриб, хазина топгандек ариза тўлдирдим, ғолиб бўлганимда ҳис қилган туйғуларимни эса сўз билан ифодалай олмайман. Бир ҳафта давомида олган билимларимни бир умрга етгулик маълумот бўлди, дея қўрқмай айта оламан. Бизларга дарс берган профессор-ўқитувчилар ўзбек тили ва адабиётини қайтадан кашф эттирдилар гўё. Барчаси учун ташаккур, Ўзбекистон!”

Шундай қилиб, бир ҳафталик малака ошириш курси ҳам якунига етди. Ушбу малака ошириш курси хориждаги ўзбек тили ўқитувчилари учун нафақат билим ва тажриба, балки маънавий ва руҳий бойлик манбаи ҳам бўлди. Дарс ва саёҳатлар уйғунлиги, тарих билан бугуннинг туташуви орқали ўқитувчилар миллий ғурур, ватанпарварлик ва ўз касбига садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлаб қайтдилар.

Абдурауф Зокиров



КОРЕЯДА ВАТАН НАФАСИ

◀ Boshi 1-betda

МИЛЛИЙ СПОРТ БИЛАН БОШЛАНГАН САФАР

12 сентябрь, жума куни кечкурун Тошкентдан Инчхонга учиб кетган делегация эртаси куни – 13 сентябрьда Сеул шаҳрида Кореядаги элчихона ва Сеул кураш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбек миллий кураши бўйича халқаро мусобақа очилишида қатнашди. Бу спорт байрами нафақат Ватан спорт анъаналарини хорижда тарғиб қилиш, балки юртдошлар орасида миллий ифтихор туйғусини юксалтиришга ҳам хизмат қилди. Кечкурунга қадар давом этган тадбирдан сўнг делегация автобусда Пусан шаҳрига йўл олди.

ПУСАНДАГИ ФОРУМ: МУЛОҚОТ, МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ УЙҒУНЛИГИ

14 сентябрь куни Пусан шаҳрида жойлашган Донг-Ю университети фаоллар залида “Ватандошлар: Миллий бирлик ва ғоялар кўприги” номли йирик форум бўлиб ўтди. Унда Кореянинг турли ҳудудларида яшовчи 200 нафар ватандош иштирок этди. Форум доирасида диаспора билан мулоқот, ҳамкорлик ташаббуслари ва умумий келажак сари қадам ташлаш йўллари муҳокама қилинди.

Шунингдек, форумдан сўнг талабалар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди. Бу билимлар беллашуви орқали ёшлар ўзаро фикр алмашди, тарғибот ва таҳлил қобилиятларини намоён қилишди.

Куннинг якунида эса мустақиллик байрамига бағишланган концерт дастури ва анъанавий таомлардан иборат дастурхон атрофида суҳбатлар бўлиб ўтди. Пусан шаҳридаги талабалар уюшмаси – БУСА билан “Ватандошлар” жамоат фонди ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

ТЭГУ ВА КЁНСАН – ИЛҲОМ ВА ЭҲТИРОМ МАНЗИЛИ

15 сентябрь куни делегация Пусандан

Тэгу шаҳрига йўл олди. Бу ердаги Кемёнг университетидаги концертда яна 200 нафар ватандош қатнашди. Университет ҳудудида миллий бурчак ташкил этилиб, унда ўзбек чолғу асбоблари, либослари ва халқ амалий санъати намуналари тақдим этилди.

Куннинг иккинчи ярмида фонд томонидан Кёнсан шаҳридаги “Кавсар” миллий ресторанида 200 нафар ватандош учун байрам дастурхони ташкил этилди. Бу ердаги мулоқотлар ҳам самимият ва Ватан туйғусига тўла бўлди.

СЕУЛДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА РУҲИЙ ЯНГИЛАНИШ

16–18 сентябрь кунлари Сеул шаҳрида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

“Опа-сингиллар” аёллар жамияти билан мулоқот, миллий анъаналарни тарғиб этиш, чолғу асбоблари ва китоблар тақдироти;

“Сеул Глобал Центр” раҳбарлари билан учрашув;

“Ўзбекистон Миллий Иқтисодий Ҳамкорлик Уюшмаси” билан ҳамкорлик меморандумини имзолаш;

“Лаззат” ресторанида ватандошлар ва талабалар учун концерт ва байрам дастурхони.

Бу учрашувлар нафақат ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлади, балки юртдошларимизнинг дилига яқин, руҳан кучли ва ахлоқан баркамол жамият бўлиши йўлида муҳим қадамлар бўлди.

АСАН ВА ЧОНАН – МУҲАББАТ ВА ҚАДР ТУЙҒУСИ БИЛАН

17 сентябрь куни Асан шаҳридаги Сун Мун университетида ўтказилган концерт дастури ва миллий бурчак намоишида яна 200 нафар ватандош иштирок этди. Шу куни Чонан шаҳридаги “Дунё” ресторанида ташкил этилган байрам дастурхонида муҳожир юртдошлар билан фикр алмашиш, муаммоларни эшитиш ва ечимлар муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди.



ЮКСАК ДАРАЖАДАГИ РАСМИЙ ҚАБУЛ

19 сентябрь куни Сеулдаги “Lotte” меҳмонхонасидаги расмий қабул – Кореядаги Ватандошлар ҳафталигининг энг тантанали маросими бўлиб ўтди. Бу ерда 500 нафар меҳмон – юртдошлар, корейлик ҳамкорлар ва йирик компаниялар вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар учун миллий мусиқа, лаззатли таомлар, хунармандчилик намоишлари билан безатилган байрам кечаси унутилмас таъсир қолдирди.

Бир ҳафтадан ошиқроқ вақт давомида амалга оширилган ҳар бир тадбир орқали юзлаб ватандошларимизга Ватан нафаси, миллий қадриятлар ва умумий келажак туйғулари етказилди. Бу шунчаки байрам эмас, балки диаспора билан юзма-юз мулоқот, маънавий уйғониш, миллийлигимизни тарғиб этиш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳафталиги бўлди.

Юртдан олисда ҳам дилда Ватан бўлса, дунё кенгликлари ҳам ўзгача ёруғ туюлади. Кореяда ўтган ушбу “Ватандошлар ҳафталиги” шунга яққол мисол бўла олди.

Акмал Шофайзиев

Муассис:
“Ватандошлар”
жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари:
Одилжон Саттаров

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023 йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров
Дизайнер: Феруз Ҳакимов

Манзилимиз:
100090, Тошкент шаҳри, Бобур
кўчаси, 45-уй